



The role of education and upbringing in the prosecution authorities' activities for implementing crime prevention among youth

Djakhongir URAKOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2025

Received in revised form

15 January 2025

Accepted 25 February 2025

Available online

25 March 2025

Keywords:

Prosecutor's office,
offense,
prevention,
youth,
offense prevention,
patriotism,
prevention of offenses
among youth,
education and upbringing,
legal consciousness,
legal culture,
rights and freedoms,
effectiveness.

ABSTRACT

This article scientifically analyzes the role of education and upbringing in the activities of prosecution authorities in preventing offenses among youth. It examines the work being carried out in our country to ensure the protection of young people's personal, political, economic, social, cultural, and environmental rights, as well as issues related to the participation of prosecution authorities in this process. The article also explores concepts such as prevention, crime prevention, and offense prevention among youth. Furthermore, relevant proposals are put forward regarding these matters.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss2/S-pp113-119>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Прокуратура органларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш борасидаги фаолиятида таълим-тарбиянинг роли

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

прокуратура,
ҳуқуқбузарлик,
профилактика,
ёшлар,
ҳуқуқбузарликлар

Мазкур мақолада прокуратура органларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш борасидаги фаолиятида таълим-тарбиянинг роли, мамлакатимизда ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоясини

¹ Independent Researcher, Tashkent State University of Law. E-mail: udjahongir@gmail.com

профилактикаси,
ватанпарварлик,
ёшлар ўртасида
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
таълим-тарбия,
ҳуқуқий онг,
ҳуқуқий маданият,
ҳуқуқ ва эркинлик,
самарадорлик.

таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бунда прокуратура органларининг иштирокига оид масалалар, профилактика, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби тушунчалар илмий таҳлил қилинган ҳамда бу борада тегишли таклифлар илгари сурилган.

Роль образования и воспитания в деятельности прокуратуры по профилактике правонарушений среди молодежи

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

прокуратура,
правонарушение,
профилактика,
молодежь,
профилактика
правонарушений,
патриотизм,
профилактика
правонарушений среди
молодежи,
образование и воспитание,
правовое сознание,
правовая культура,
права и свободы,
эффективность.

В статье проведен научный анализ роли образования и воспитания в деятельности органов прокуратуры по профилактике правонарушений среди молодежи, а также вопросов, связанных с обеспечением защиты личных, политических, экономических, социальных, культурных и экологических прав молодежи в нашей стране и участием прокуратуры в этом процессе. Рассмотрены такие понятия, как профилактика, профилактика правонарушений, профилактика правонарушений среди молодежи. Кроме того, в статье представлены соответствующие предложения по совершенствованию данной деятельности.

Бизга маълумки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишда прокуратура органлари муҳим рол ўйнайди. Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, прокуратура органлари фаолиятида ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси алоҳида эътибор марказдаги масалалардан бири ҳисобланади.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овози билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасида мустаҳкамланишича, “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади” [1].

Ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор мамлакат келажаги учун муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни турли ёт иллатлардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш мамлакатимиз олдида турган асосий конституциявий вазифалардан биридир.

Хуқуқбузарлик содир этиш аксарият ҳолларда ёшларнинг психологик ва ижтимоий фаолиятига ташқи таъсир ҳамда маълум сабаблар асосида амалга оширилади. Ёшларга бу каби салбий таъсир оила, дўст, жамоа томонидан кўрсатилади.

Ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар содир этилишида асосий омил сифатида қатъият етишмаслиги, гиперактивлик, хатти-ҳаракатларнинг бузилиши, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, тамаки чакиш, таълим-тарбия сифати, мактабга паст садоқат ва мактабдаги муваффақиятсизлик, жиноятга алоқадорлик, ишсизлик, оилада зўравонликка дучор бўлиш намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 11 апрелда ўтказилган ёшлар билан ишлашнинг янгича тизimini жорий этишга бағишланган йиғилишда Ўзбекистонда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишларидан келиб чиқиб, “яхши” (4,4 млн), “ўрта” (4,6 млн) ва “аҳволи оғир” (396 минг) тоифаларига ажратилди.]

Шунингдек, тоифалашда ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, улар билан манзилли, аниқ мезонлар асосида ишланиши таъкидланди.

Бунда:

- яхши ўқиётган, тадбиркорлигини йўлга қўйган, расмий секторда ишлайдиган, қобилияти бор, ижтимоий фаол бўлган 4,4 миллион ёшлар “яхши” тоифага;
- турмуш тақозоси билан расмий сектордан иш топа олмаган, лекин иқтисодий фаол 4,6 миллион ёш “ўрта” тоифага киритилди;
- давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтож 396 минг нафар ёшлар “аҳволи оғир” тоифасига алоҳида ажратиб олинди. 32 минг нафар ёшлар профилактика, 16 минг нафари пробация назоратида, 9 минг нафари мунтазам дарс қолдириши таъкидланди.

Бугунги глобллашув даврида ёшлар тарбияси ва онгига таҳдидлар тобора кучаймоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг саодати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир” дея таъкидлаган.

Лекин маънавий тарғиботнинг қамрови ва таъсирчанлиги пастлиги, ёшларнинг қизиқишлари инobatга олинмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиб, уларга соғлом фикр берадиган манбаларни кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Умуман, бу соҳадаги давлат сиёсатини самарали ташкил этишга қаратилган “Янги Ўзбекистон ёшлари” дастурини ишлаб чиқиш, қонунчиликни ўзгартириш вазифалари белгиланди.

Президентимиз ёшлар билан ишлаш барча раҳбарларнинг, кенг жамоатчиликнинг, бутун жамиятимизнинг энг устувор вазифаси эканини таъкидлади [2].

Ёшларга асосий эътиборини қаратган, уларнинг таълими, тарбияси, ижтимоий ҳимояси Конституция даражасида мустаҳкамланган давлатлар ўз келажагига бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар [3] сифатида белгиланган.

Ш. Якубовнинг фикрича, ““Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мазкур жараёнда иштирок этувчи таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва мудофаа ишлари бўйича органлар ҳамда бошқа қатор муассасаларнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг ваколатлари аниқ белгиланди.

Ушбу қонун орқали ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақоми, шунингдек, улар фаолиятининг давлат кафолатлари белгиланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида тузилган ва фаолият олиб бораётган 600 дан ортиқ ННТлар мавжудлигини ҳисобга олсак, улар фаолиятининг асосий кафолатлари қонунда алоҳида ёритилгани эътиборга моликдир” [4].

Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаевнинг таъкидлашича, “Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Табиийки, ушбу қатламнинг ўй-фикри, муаммо ва орзу-умидларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилади.

Бугун – ёшлар масаласида гап кетганда ҳеч ким четда турмайдиган пайт. Уларнинг муаммоси – барчанинг муаммоси экани айтиш ҳақиқат. Бугун ҳаммамиз яқдил, ҳамжиҳат ҳаракат қилсак, ёшларнинг ҳаётини қийинчиликлар, мақсади йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишига кўмаклашган бўламиз.

Олий таълим муассасалари атрофидаги маҳаллаларда яшайдиган, уюлмаган ёшларни хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, спорт, маданият ва китобхонлик тўғрисидаги жалб этиш, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда “Ёшлар дафтари”га кирган ёшлар учун олий ўқув юртига бепул тайёрлов курсларининг очилиши яна бир қулай имконият. Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларнинг истиқболига катта умид билдириб, “Шу тизим йўлга қўйилса, шахарларда вазият албатта ўзгаради, адашган ёшлар сони кескин камаяди”, деди [5].

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати – ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари алоҳида моддада белгилаб қўйилди. Унда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний-ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш ўз ифодасини топди.

Шунингдек, келажагимиз эгаларини ватанпарварлик, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга қилиб тарбиялаш, терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш каби меъёрлар ўз аксини топган.

Бундан ташқари, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бўш

вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги қоидалар мустаҳкамланди” [6].

Шуни қайд этиш лозимки, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига турли хил омиллар таъсир этади. Масалан, юқорида тўхталиб ўтганимиздек, оиладаги муҳит ва шарт-шароит, мактабдаги, маҳалладаги вояга етмаганларга, ёшларга муносабат ва бошқа ҳолатларни келтиришимиз мумкин.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимидир. Бундан қўзланган асосий мақсад ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, уларни ҳуқуқбузарликлардан узоқлаштириш ва соғлом турмуш тарзига йўналтиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби Оила, болалар ва ёшларга бағишланган бўлиб, Бош Қомусимизнинг 78-моддасида “Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши” [1] илк бор мустаҳкамланди.

А.В. Богданов, Е.Н. Хазов, И.Н. Озеров, К.И. Озеровларнинг фикрича, “вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш самарадорлиги кўп жиҳатдан профилактика субъектлари томонидан вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган ишонтириш ва мажбурлаш чораларининг мақбул нисбатига боғлиқ” [7].

Ю.С. Залетовнинг қайд этишича, “Ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш – бу жараён дастурий-занжирли ёндашувни амалга оширишга асосланган ҳуқуқбузарликлар ёки ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг такрорланишининг олдини олиш, унинг моҳияти салбий таъсирни минималлаштириш бўйича комплекс мақсадли профилактика дастурларини амалга оширишдан иборат” [8].

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олишга қаратилган профилактик чоралар кўриш, авваламбор оиладан бошланади. Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамда ёшлар фаолият олиб бораётган бошқа ташкилот ва идоралар томонидан ёшларнинг юриш-туриши, хулқ-атвори, маданияти, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва бошқа ҳаракатлари устидан кузатув ва назоратнинг йўқлиги ёки сезиларли даражада пасайиши, ўз навбатида, уларга нисбатан эътиборсизлик сифатида намоён бўлади.

Н.С. Лопаетова, Т.М. Резерларнинг фикрича, “профилактика” атамаси:

- фаолиятнинг турли соҳаларида шахснинг хатти-ҳаракатларида турли хил оғишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими сифатида;

- таълим ва тарбия жараёнида шахсни қайта тарбиялаш учун психологик-педагогик чора-тадбирлар тизими сифатида;

- ижтимоий муносабатларнинг инсон хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи қабул қилинган ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ўзгаришини таъминлайдиган ижтимоий амалиёт тури сифатида намоён бўлади [9].

Профилактика (қадимги юнонча prophylaktikos – ҳимоя қилиш) – ҳар қандай ҳодисанинг олдини олишга ва (ёки) хавф омилларини бартараф этишга қаратилган турли тадбирлар мажмуи [10].

Профилактика ҳар бир соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жамиятда тартиб ва хавфсизликни сақлашга ёрдам беради. Профилактика тадбирлари орқали аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалади. Прокуратура органларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш келажақда соғлом жамият шаклланишига хизмат қилади.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат прокуратура органларининг (шу жумладан, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг), балки бутун жамиятнинг вазифаси ҳисобланади. Бу жараёнда ҳар бир фуқаронинг масъулиятли бўлиши ва фаол иштирок этиши муҳимдир.

Юқорида қайд этилган профилактикага оид фикр-мулоҳазалар, таҳлилларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига профилактика тушунчасини киритиш, “Профилактика” деган атама замирида – муаммо ёки ҳодиса юзага келгунга қадар олдини олишга қаратилган турли хил чора-тадбирлар мажмуи ёки бир хил муаммо билан боғлиқ турли хил хавф омилларининг олдини олишни тушуниш таклиф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [Матн] Расмий нашр. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – Б. 46-47.
2. Ёшлар учун янги имкониятлар белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 11 апрель куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши. <https://president.uz/uz/lists/view/6145>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/uz/docs/3026246>
4. Якубов Ш. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда янги қонун мустаҳкам ҳуқуқий асосдир // <http://www.adolatgzt.uz/tribune/4247>
5. А.Саъдуллаев. Ўзбекистон ёшлари учун янги давр. 2021 йил 16 апрель. <https://yuz.uz/news/uzbekiston-yoshlari-uchun-yangi-davr>
6. Ходжаҳметов З. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти. 2016 йил 7 май. <https://qoraqalpoq.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=33797>
7. Богданов А.В., Хазов Е.Н., Озеров И.Н., Озеров К.И. Профилактика правонарушений как один из элементов правового воспитания несовершеннолетних. Проблемы правоохранительной деятельности. 2020. 3’20. – С.47. <https://cyberleninka.ru/article/n/profilaktika-pravonarusheniy-kak-odin-iz-elementov-pravovogo-vospitaniya-nesovershennoletnih/viewer>
8. Залетов Ю.С. Профилактика правонарушений среди подростков в общеобразовательной и специальной школах. Автореф. ...дис. канд. пед. наук. – Ярославль, 2007. – 6-7 с. https://static.freereferats.ru/_avtoreferats/01003319458.pdf?ver=2

9. Лопаева Н.С., Резер Т.М. Система профилактики правонарушений в студенческой среде: основные понятия и подходы. Педагогическое образование в России. 2023. № 5. – С.39.

10. Алмаз Шарман, Президент Академии профилактической медицины. Что такое профилактика и профилактическая медицина. <https://academypm.org/language/ru/chto-takoe-profilaktika-i-profilakticheskaya-medicina/>